

---

## ҚУВАСОЙДА ЧАВАНДОЗЛАР ВА ОВ ТУРИЗМИ ФЕСТИВАЛИ БЎЛИБ ЎТАДИ

Эртага, 29 сентябрь куни Қувасой шаҳридаги "Водий тулпорлари" мажмуасида Чавандозлар ва ов туризми фестивали бўлиб ўтади. Фестиваль давомида зотдор отлар томонидан поло, конкур, ердан танга олиш ва бошқа намоишлар, от устида кураш ҳамда қуш овлаш тадбирлари бўлиб ўтади.

Чавандозлар ва ов туризми фестивали Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 29 июлдаги "Туркий давлатлар билан туризм соҳасидаги ҳамкорликни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-338-сон Қарори иловаси билан Қўқон шаҳрининг "Туркий дунёнинг туризм пойтахти" мақомини олганлиги муносабати билан жорий йилда вилоятимизда ўтказилиши белгиланган маданий-маърифий тадбирлар Дастури доирасида ўтказилади.

Бошланиш вақти соат 10:00 да.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2022-09-28 16:58:04